

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. I.16.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ ДОНИЁР ТАИРОВИЧ**

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти  
08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси  
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Юлдашев Дониёр Таирович**

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий  
механизмини такомиллаштириш..... 3

**Юлдашев Дониёр Таирович**

Совершенствование экономического механизма развития  
семейного предпринимательства..... 29

**Yuldashev Doniyor Tairovich**

Improving the economic mechanism of the development of family  
entrepreneurship..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. I.16.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ ДОНИЁР ТАИРОВИЧ**

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти  
08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси  
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt791 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гафуров Убайдулло Вахабович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абулқосимов Хасан Пирназарович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ибрагимова Маъмура Мухиддиновна**  
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. E-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Д. Хажиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Р. Хасанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти, хусусан, оилавий бизнес муҳим ўрин тутди. Маълумотларга кўра, «жаҳонда оилавий бизнес ўрта ҳисобда барча компанияларнинг 70%ни қамраб олиб, бу кўрсаткич АҚШда 80%гача, Финляндияда 94%гача боради»<sup>1</sup>. Шунингдек, «тадқиқотчилар Ғарбий Европадаги кичик корхоналарнинг 68%ни айнан оилавий корхоналар ташкил этишини аниқладилар»<sup>2</sup>. Мазкур тадбиркорлик шаклининг узоқ даврлик тарихи, унда оила ва бизнес анъаналарининг ўзаро самарали уйғунлашуви, бизнес юритишнинг содда ва қулайлиги, иштирокчилар манфаатларини тўлиқ қамраб олиши каби ўзига хос хусусиятлари унинг иқтисодиётдаги салмоғини аҳамиятли бўлишига имкон яратмоқда.

Жаҳонда оилавий бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, жумладан, тадбиркорлик мазкур шаклининг рақобатбардошлигини ошириш, «ишбилармонлик цикли»нинг барқарорлигини таъминлаш, оилавий муносабатлар ўзининг ижобий тавсифини тўлиқ намоён эта олувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклларни таркиб топтириш, хўжалик юритишнинг бошқа шакллари билан ўзаро таъсир ва алоқаларни тартибга солиш каби масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий тадбиркорликнинг ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, ўрта мулкдорлар қатламини ўстириш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш илмий тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида «соҳа ривожини учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш, оилавий тадбиркорлик учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> вазифалари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлаш; аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга

<sup>1</sup>Передача бизнеса детям. Источник информации: [www.voxropuli.kz](http://www.voxropuli.kz)

<sup>2</sup>Жданов А. Рифы семейного бизнеса. - <http://www.wmnsrb.ru/rub/carier/391-rif.html>

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

оширишда тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш; аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш; кўшимча иш ўринлари ва даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш; маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларда мини-кластерлар ташкил этиш; бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 631-сон «Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётда оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари узок хорижий мамлакатлар олимларидан Zahra S., Astrachan J., Brenes E., Madrigal K., Molina-Navarro G., Dascher P., Jens W., Dewi A., Dhewanto W., Mussolino D., Calabro A., Sharma P., Fletcher D., Melin L., Gimeno A. ва бошқалар<sup>4</sup>нинг

---

<sup>4</sup> Zahra, S. (2003). International expansion of U.S. manufacturing family businesses: the effect of ownership and involvement. *Journal of Business Venturing*, 18(4) doi: 10.1016/S0883-9026(03)00057-0.; Astrachan, J.H. (2010). Strategy in family business: Toward a multidimensional research agenda. *Journal of Family Business Strategy*, 1(1) doi: 10.1016/j.jfbs.2010.02.001.; Brenes, E.R., Madrigal, K., Molina-Navarro, G.E. (2006). Family business structure and succession: Critical topics in Latin American experience. *Journal of Business Research*, 59(3) doi: 10.1016/j.jbusres.2005.09.011.; Dascher, P.E., Jens, W.G.Jr. (1999). Family business succession planning. *Business Horizons*, 42(5) doi: 10.1016/S0007-6813(99)80068-8.; Dewi, A.C.E., Dhewanto, W. (2012). Key Success Factors of Islamic Family business. *Procedia-Social and Behavioral Sciences*, 57 doi: 10.1016/j.sbspro.2012.09.1157.; Fletcher, D., Melin, L., Gimeno, A. (2012). Culture and values in family business – A review and suggestions for future research. *Journal of Family Business Strategy*, 3(3) doi: 10.1016/j.jfbs.2012.06.001.; Sharma, P. (2004). An

илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган. МДХ мамлакатлари олимларидан Важенин С.Г., Сухих В.В., Валенджян С.О., Волков Д.А., Левушкин А.Н., Мананникова Ю.В., Плотникова И.А., Мохов А.А., Мурзина Ю.С., Муханова А.Е., Умирзакова М.Н., Смагулова Ж.Б., Берикболова У.Д., Рамазанова Э.А., Шипицина К.С., Гизитдинова Н., Жданов А. ва бошқалар<sup>5</sup> ўз илмий ишларида оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этганлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари ўзбекистонлик олимлардан Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Ш.Ж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров, У.В.Ғафуров<sup>6</sup> ва бошқаларнинг ишларида баён этилган. Кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий тармоқларидаги самарадорлигини ошириш йўллари ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари Ҳ.П.Абулқосимов, И.А.Бакиева, Н.К.Муродова, Қ.Муфтайдинов, А.А.Қулматов, М.М.Ибрагимова<sup>7</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган. Шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг ташкил топиши ва ривожланиши муаммоларига оид тадқиқотлар Б.Беркинов,

---

Overview of the Field of Family Business Studies: Current Status and Directions for the Future. *Family Business Review*, 17(1) doi: 10.1111/j.1741-6248.2004.00001.x.

<sup>5</sup> Валенджян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ российской практики // *Российский внешнеэкономический вестник*. 2011. - №9.; Левушкин А.Н. Семейное предпринимательство и семейный бизнес: понятие, правовая природа и перспективы развития. *Вестник Университета им. О.Е.Кутафина (МГЮА)*. 3/2018.; Мананникова Ю.В., Плотникова И.А. Малое предпринимательство и семейный бизнес как средство социальной адаптации и профессиональной мобильности молодежи: образовательный аспект. *Интеграция образования*, 18(2).; Мохов А.А. Семейное и малое предпринимательство в современной России: доктрина и законодательство // *Журнал предпринимательского и корпоративного права*. 2017. - №2.; Мурзина Ю.С. Факторы, препятствующие развитию семейного бизнеса в России, и эффективные инструменты их регулирования. *Российское предпринимательство*, 16(15) doi: 10.18334/tr.16.15.553.; Муханова А.Е., Умирзакова М.Н., Смагулова Ж.Б., Берикболова У.Д. Особенности развития семейного бизнеса как формы предпринимательства // *Фундаментальные исследования*. 2015. - №11.; Рамазанова Э.А. Проблемы и перспективы развития семейного предпринимательства. *Экономика и предпринимательство*, 12-4.; Шипицина К.С. Перспективы и проблемы семейного предпринимательства: российская реальность // *Фундаментальные исследования*. – 2015. – № 8-3.; Гизитдинова Н. Что такое семейный бизнес по-американски? – <http://prodohod.blogspot.com/2010/04/blog-post.html>; Жданов А. Рифы семейного бизнеса. – <http://www.wmnspp.ru/rub/carier/391-rif.html>.

<sup>6</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. – 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодий, 2010. – 275 б.; Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 105 б.; Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. – 365 б.; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016. – 208 б.

<sup>7</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2012.; Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўналишлари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2008.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.; Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2004.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.

Г.Шакирова, Х.Каримова, Д.Тошмухаммедова, Д.Ризаев ва бошқа<sup>8</sup> олим ва мутахасислар томонидан амалга оширилган.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилгани йўқ. Мазкур ҳолат диссертация ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдим этилган таклиф ва хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, А-2-026+(А-2-027)-рақамли «Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар қатламини кенгайтиришда тадбиркорлик салоҳиятидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий-илмий тадқиқот лойиҳаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича назарий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни, хўжалик юритиш шакли сифатидаги ўзига хос белгилари, таркиб топиш тамойиллари ҳамда ривожланишга таъсир кўрсатувчи омилларни очиб бериш;

хўжалик юритишнинг инновацион шакли сифатидаги оилавий корхонанинг афзалликлари ва рақобатбардош жиҳатларини тадқиқ этиш;

бозор муносабатларини шакллантириш шароитида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришда қулай муҳитнинг аҳамияти ҳамда уни яратиш йўллари асослаш;

оилавий тадбиркорликнинг хўжалик юритиш тизимининг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан ўзаро алоқадорлигини, унинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш йўналишларини очиб бериш;

оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

иқтисодиётда кичик бизнеснинг ролини оширишда оилавий тадбиркорлик иштироки ҳамда самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

---

<sup>8</sup> Беркинов Б., Шакирова Г. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари.<http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/9579-oilaviy-tadbirkorlikni-rivojlantirish-omillari>; Каримова Х. Оилавий тадбиркорлик – фаровонлик асоси. “Моҳият” газетаси, 2011 йил, 28 октябрь, №44(584). - <http://parliament.gov.uz/>; Тошмухаммедова Д., Ризаев Д. Семейный бизнес: мировой опыт. - <http://www.bdm.uz/ru/birjaexpert/>



тадбиркорлик фаолияти яхлит тизимида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий жиҳатларини тадқиқ этиш орқали бу борадаги муаммо ва имкониятларни аниқлаш;

оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида самарали иқтисодий механизмларни таркиб топтириш, хусусан, тежамкорлик ва самарадорликни ошириш, иқтисодий ресурсларни хўжалик фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш воситалари ва йўллари асослаш;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш;

иқтисодий тараққиётни юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда оилавий тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси, жумладан, Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик ва таққослама таҳлил, эксперт баҳолаш, ижтимоий сўров ўтказиш ва бошқа усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий фаоллигини оширишда оилавий меҳмонхоналарни ташкил этиш механизми «манзилли буюртма», «микрохудудий муҳофаза» ҳамда барқарор инфратузилма таъминоти асосида такомиллаштирилган;

худудлардаги тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишнинг иқтисодий механизми «Тоза худуд» давлат унитар корхонаси ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУЖМШ) фаолиятининг муайян қисмини оилавий тадбиркорлик субъектларига ўтказиш асосида такомиллаштирилган;

якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг «якка тартибдаги тадбиркор – оилавий тадбиркор – оилавий корхона» йўналиши бўйича ҳаракатини рағбатлантириш орқали оилавий корхоналарнинг салмоғини ошириш ва иқтисодий фаоллигини таъминлаш асосланган;

оилавий корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш кафолат жамғармалари, имтиёзли кредит ҳамда марказлашган техника таъминотининг уйғунлиги асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

оилавий тадбиркорлик соҳасида ишловчилар сони жиҳатидан мезонларини белгилаш жараёни турли босқичларга ажратилиб, уларнинг асосий хусусиятлари очиқ берилган;

оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган имтиёз ва

преференцияларнинг мазмуни, самарадорлиги тадқиқ этилган ҳамда улар миқдорий чегараларини белгилашнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган;

оилавий тадбиркорлик субъектларининг тармоқ ва технологик жиҳатидан таркибий тузилишини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган;

оилавий тадбиркорликнинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этишдаги иштирокини янада фаоллаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга оид назарий-методологик ва услубий аппаратни ҳамда мавзуга оид иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий фаоллигини оширишда оилавий меҳмонхоналарни ташкил этиш механизмини «манзилли буюртма», «микроҳудудий муҳофаза» ҳамда барқарор инфратузилма таъминотига оид таклифдан «Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармасининг 2019 йил 10 майдаги 1771/04-сон ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 15 майдаги 01/О.А-985-03-сон маълумотномалари). Мазкур механизмни амалиётга жорий этиш натижасида вилоят ҳудудлари бўйича оилавий меҳмонхоналарни ташкил этиш фаоллиги ортган, янгидан ташкил этилган ҳамда фаолияти кенгайган корхоналар ҳисобига ташкил этилган янги иш ўринлари сони кўпайган;

ҳудудлардаги тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этишнинг иқтисодий механизмини «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва хусусий

уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУЖМШ) фаолиятининг муайян қисмини оилавий тадбиркорлик субъектларига ўтказиш асосида такомиллаштириш таклифидан «Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармасининг 2019 йил 10 майдаги 1771/04-сон ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 15 майдаги 01/ О.А-985-03-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида тегишли идоравий тизимлар фаолиятини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ҳажми қисқарган, кўрсатилаётган хизматлар бўйича рақобат муҳити шаклланган ва хизматлар сифати ортган. Шу билан бир вақтда кўрсатилган соҳаларда янги оилавий корхоналар ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилган;

якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг «якка тартибдаги тадбиркор – оилавий тадбиркор – оилавий корхона» йўналиши бўйича ҳаракатини рағбатлантириш орқали оилавий корхоналарнинг салмоғини ошириш ва иқтисодий фаоллигини таъминлаш таклифидан «Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш дастури»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармасининг 2019 йил 10 майдаги 1771/04-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида вилоятда оилавий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш орқали иқтисодий фаоллигини ошириш имкониятлари яратилган;

оилавий корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этишни рағбатлантиришни кафолат жамғармалари, имтиёзли кредит ҳамда марказлашган техника таъминотининг уйғунлиги бўйича таклифидан «Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш дастури» ҳамда «Фарғона вилоятида оилавий корхоналар фаолиятини молиявий таҳлил қилиш ва ривожлантириш бўйича услубий қўлланма»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фарғона вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармасининг 2019 йил 10 майдаги 1771/04-сон ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 15 майдаги 01/О.А-985-03-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида оилавий корхоналар фаолиятида замонавий техника ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш чора-тадбирларини кучайтириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 22 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оилавий тадбиркорлик таркиб топиши ва амал қилишининг илмий-услугий асослари**» деб номланган биринчи бобда оилавий тадбиркорликнинг хўжалик юритиш шакли сифатидаги ўзига хос белгилари ва таркиб топиш тамойиллари, унинг ривожланишга таъсир кўрсатувчи омиллар, бу борадаги хориж мамлакатлари тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида тобора кенг ўрин эгаллаб бораётган тадбиркорлик шаклларида бири оилавий бизнес бўлиб, унга умумий ҳолда қуйидагича таъриф берилган: «Оилавий бизнес – бир оила ёки оилавий алоқалар билан боғланган кишилар гуруҳи томонидан бизнесни ташкил этиш, унинг акциялар назорат пакетини ушлаб туриш, фаолиятига раҳбарлик қилиш»<sup>9</sup>. Жаҳон иқтисодиётида оилавий бизнеснинг мазмуни ва аҳамиятига оид амалга оширилган тадқиқотлар уни икки турини ажратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Биринчи турдаги оилавий бизнес – бу оила аъзолари ва яқин қариндошлар билан биргаликда ташкил этилган ва юритилаётган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, уларнинг муваффақияти ва амал қилиш давомийлиги кўплаб омиллар (бозор конъюнктураси, корхонанинг молиявий ҳолати, оила аъзолари ва қариндошлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва бошқ.)га боғлиқ. Айниқса, турли иқтисодий беқарорликлар шароитида бундай оилавий бизнеснинг ўз фаолиятини тугатиш хавфи кучаяди. Бироқ, ўз фаолиятини тўхтатган бизнес-субъектлар ўрнини яна бошқа янги бизнес-субъектлар тўлдириб бораверади.

Иккинчи турдаги оилавий бизнес ўз мазмунига кўра «рамзий» маънодаги оилавий бизнес ҳисобланади. Яъни, у ҳақиқатан ҳам қачонлардир муайян оила аъзолари томонидан ташкил этилган ва юритилган бўлиб, бироқ, кейинчалик мол-мулки кенгайиши билан, бизнеснинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари (масалан, концерн, корпорация ва ҳ.к.) ўтади. Ушбу турдаги бизнес одатда ёлланма бошқарувчилар томонидан бошқарилади,

---

<sup>9</sup>Семейный бизнес // Бизнес-Инкубатор. - <http://www.biznesinkubator.ru/tesaurus/209/3315/>

бизнеснинг дастлабки таъсисчиларининг авлодлари эса маълум даражада мулкый эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ҳозирги шароитда оилавий бизнесни ташкил этишнинг асосий сабаблари сифатида қуйидаги асосий жиҳатларни кўрсатиш мумкин: оила аъзоларининг фаолият юритаётган корхонадаги иш ўрнини йўқотиши натижасида у ўз оила аъзолари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши; оила бошлиғининг ўз ишини очиши ва унга оила аъзоларини ҳам жалб этиши; оила аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва шериклигидаги шартнома асосида ташкил этилиши. Албатта, бу каби сабаблар жуда кўп ва турлича бўлиши мумкин. Уларнинг барчаси оилавий бизнеснинг ташкил этилиш ҳолати ва даражасига турлича таъсир кўрсатади.

Диссертация ишида оилавий бизнеснинг жамият аъзолари иқтисодий манфаатларини тўла ва самарали рўёбга чиқара олиши даражасини таъминловчи афзалликлари тадқиқ этилиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилди:

оила аъзолари ўртасида бизнес учун зарур бўлган энг муҳим белги ва тамойилларнинг яққол мавжудлиги;

оила аъзоларини умумий мақсад йўлида бирлаштиришнинг нисбатан қулайлиги ва енгиллиги;

тадбиркорлик даромадини ошириш орқали оила бюджетини оширишга интилиш;

фаолият иштирокчилари ўртасида очиқликнинг мавжудлиги туфайли бизнес режаларини узок муддатлар учун олдиндан белгилаб олиш;

болаларни ўрта мактаб ёшидан бизнес фаолияти сирлари билан танишиб боришга ўргатиш;

оилавий бизнесни мерос қолдириш имконияти орқали авлодларнинг келажагини таъминлаш.

Миллий иқтисодиётда амал қилаётган тадбиркорлик шакллари мақсадга мувофиқ равишда тартибга солиш ҳамда ривожлантириш учун ҳар бир муайян шаклнинг таркиб топиш тамойилларини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Шунга кўра, тадқиқот ишида бизнесни ташкил этиш ва юритишнинг ўзига хос шакли сифатида оилавий тадбиркорликнинг таркиб топиши ва амал қилиши жараёнининг асосий тамойиллари аниқланди (1-расм).

1-расмда баён этилган оилавий тадбиркорликнинг таркиб топиш тамойилларидан кўринадики, тадбиркорликнинг мазкур шакли замонавий хўжалик юритиш нуқтаи-назаридан ўзининг самарадорлиги ҳамда ўз иштирокчилари манфаатларини тўлиқ қамраб олиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий табиатини очиб бериш мақсадида унинг ривожланишга таъсир кўрсатувчи қуйидаги омиллар аниқланди: оилавий бизнес меъёрий-ҳуқуқий асосининг такомиллаштирилиши; оилавий тадбиркорлик инфратузилмасининг яратилиши; фаолиятни турли иқтисодий дастаклар орқали рағбатлантириш; оила институтининг мавқеини мустаҳкамлаш.



**1-расм. Оилавий тадбиркорликнинг таркиб топиш тамойиллари<sup>10</sup>.**

Оилавий бизнес – жаҳонда илгаридан мавжуд бўлиб келаётган бизнес-институтлардан бири. У жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида белгиловчи роль ўйнайди. Мазкур мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, катта бизнес оилавий компаниялардан бошланади. Мустақкам оилаларда оилавий бизнес кўп тармоқли корпорацияларга ўсиб ўтиши борасида кўплаб мисоллар мавжуд<sup>11</sup>. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оилавий бизнес фаолияти учун аҳамиятли даражадаги беқарорлик ҳам хос. Жумладан, «статистик маълумотларга кўра, оилавий бизнес ўзининг учинчи авлодига келиб 95 фоиз ҳолатда тугаб кетади»<sup>12</sup>. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

муайян вақт давомида оила аъзолари таркибининг ўзгариши, бунинг натижасида қариндошлик алоқаларининг сусайиб бориши;

бизнес таркибига қўшиладиган янги иштирокчиларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларига нисбатан қарашларидаги фарқларнинг кучайиб бориши;

бизнеснинг кенгайиши натижасида унинг иштирокчиларининг кўпайиши ва бунинг оқибатида ихтилофларнинг кучайиши ва ҳ.к.

Бироқ, бу даврга келиб ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мазкур шакли ўз эгаларига етарли миқдордаги капитални жамғариш имконини беради.

Оилавий бизнеснинг ривожланишида ўзига хос тенденциялар рўй беради. Жумладан, оилавий бизнес ривожланиб борган сари, қариндош-бошқарувчилардан айрилиб боради ва профессионал топ-менежерларни ёллаб боради. Улар рақобатбардош компанияни самаралироқ бошқарадилар. Қариндошларнинг ўзи кузатувчилик ва тузатишлар киритиб туриш

<sup>10</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>11</sup>Семейному бизнесу – зеленый свет // Норма, №15 от 10 апреля 2012 г.

<sup>12</sup>Передача бизнеса детям. Источник информации: [www.voxropuli.kz](http://www.voxropuli.kz)

функцияларини бажарадилар. Жаҳон тажрибасига кўра, топ-менежерлар оилавий бизнеснинг қийматини аҳамиятли даражада ошириб берадилар, бироқ айна пайтда унинг маълум улуши бошқарувчиларнинг ўзига ҳам тегишли бўлади.

Халқаро миқёсдаги юқори технологияли ривожланган компаниялар тажрибасидан кўриш мумкинки, улар оилавий бизнес шаклида ташкил топган бўлсада, эндиликда уларнинг асосчиларига маълум фоизларгина тегишли холос. Бироқ, бу – гигант корпорацияларнинг улуши ҳисобланади. Бошқача айтганда, «ҳар бир оила ҳам жадал ривожланаётган бизнесни ўз қўлида тутиб тура олмайди, бироқ, бу энди умумий муаммо бўлиб, оилавий корхонанинг бошқа корхоналар сингари бу муаммодан қочиб қутилиши қийин»<sup>13</sup>.

Бугунги кун жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, узок йиллар давомида оилавий бизнеснинг ижобий томонлари унинг камчилик ёки салбий томонларидан яққол устунликни кўрсатиб келмоқда. Айна шу туфайли бугунги кунда оилавий корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши дунё бўйича ўртача 70% ни, шу жумладан, Ҳиндистонда – 95%, Финляндияда – 94%, АҚШда – 80%, Германия – 36%, Франция – 30% ни ташкил этмоқда.

Оилавий бизнес тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида тарихан анча узок даврдан бошлаб амал қилиб келади. ««Оилавий бизнес» журнали фаолият муддати 200 йилдан ортиқ бўлган бир неча юзлаб оилавий компаниялар рўйхатини санаб ўтган»<sup>14</sup>. Шу билан бирга оилавий бизнес тадбиркорликнинг нисбатан кенг тарқалган шакли бўлиб ҳам ҳисобланади. Тадқиқотчилар «Ғарбдаги кичик корхоналарнинг 68%ни айна оилавий корхоналар ташкил этишини аниқладилар»<sup>15</sup>.

Ҳозирда оилавий бизнеснинг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётидаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Умуман, кўпчилик хориж мамлакатлари иқтисодиётида оилавий бизнеснинг ўрни ва ҳиссаси жуда салмоқлидир. Жумладан, бугунги кунда «жаҳондаги таниқли оилавий бизнес вакиллари сифатида Ротшильдлар – банкирлар оиласи (Франция), Опель – автомобилсозлик (Германия), Шарль Тиссо – Tissot соатлари, шунингдек, Oral-B, Siemens, Adidas, Samsung Electronics ва бошқа компанияларни мисол қилиб келтириш мумкин»<sup>16</sup>.

Ривожланган хорижий мамлакатларда оилавий бизнесни ташкил этишда бизнес-ҳамкорлар ёки унда ишлашни хоҳловчилар асосан қариндошлардан таркиб топишига қарамасдан, уларни танлашга жуда катта эҳтиёткорлик ва масъулият билан ёндашилади. Шуниси эътиборлики, «айрим хорижий оилавий компанияларда оилавий бизнесга киришдан олдин қариндошлардан 10-15 йил бошқа компанияларда ишлаб келишни талаб қилинади»<sup>17</sup>.

<sup>13</sup> Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // Помощь бизнесу. -<http://bishelp.ru/>

<sup>14</sup> Гизитдинова Н. Что такое семейный бизнес по-американски? – <http://prodohod.blogspot.com/2010/04/blog-post.html>

<sup>15</sup> Жданов А. Рифы семейного бизнеса. - <http://www.wmnspp.ru/rub/carier/391-rif.html>

<sup>16</sup> Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // [http://www.bishelp.ru/svoe\\_delo/variant/7ya.php](http://www.bishelp.ru/svoe_delo/variant/7ya.php)

<sup>17</sup> Что такое семейный бизнес по-русски? // <http://www.bishelp.ru/rich/Uspeh/otrasliRazv/0808semia.php>

Жаҳондаги аксарият мамлакатларда амал қилаётган оилавий бизнесни капиталнинг таркиби ва жойлашуви, ташкилотни бошқариш, корxonанинг миқёси жиҳатидан шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин (2-расм).



**2-расм. Жаҳон тажрибасида оилавий бизнеснинг гуруҳланиши ва хусусиятлари<sup>18</sup>.**

Биринчи гуруҳ – тор маънодаги оилавий бизнес, яъни оила аъзолари ва яқин қариндошлардан иборат корхона. Одатда бундай кичик корхонадаги ишчилар сони 10 нафаргача бўлади. Шу билан бирга, бу ўринда бир оила (яъни, фақат яқин қариндошлар – эр, хотин, фарзандлар) бизнеси кўринишидаги алоҳида кичик гуруҳларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай фирмалар Канада, АҚШ, Россия каби мамлакатлардаги кўплаб оилавий компанияларни ташкил этади. Булар, энг аввало, турли кўринишдаги яқка тадбиркорликдан иборат. Яна бир кичик гуруҳ – бир неча қариндошлар иштирок этувчи оилалар бизнеси. Бу, одатда, аниқ ташкилий ва бошқарув тузилмасига эга бўлган, оилавий муносабатлар иш бўйича муносабатларга айланган, қариндошларнинг бир қисми бошқарувчиларга, бошқа бир қисми уларнинг қўл остидаги ходимларга айланган оилавий компания ҳисобланади.

Оилавий бизнеснинг иккинчи гуруҳи – бу эгалари бутун бошли оилавий уруғлардан иборат бўлган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб боровчи фирмалардир. Бу гуруҳга одатда кўплаб шўъба корхоналарни ўз ичига олган халқаро корпорация кўринишидаги йирик ва жуда йирик компаниялар киради. Бу ўринда оила фақат акцияларнинг оилавий пакети ҳисобига


<sup>18</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.



компания устидан назорат қилади. Ҳар бир мамлакатда оилавий фирма деб номланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун акцияларнинг турлича фоизини оила ўз қўлида ушлаб туриши лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирда жаҳон миқёсида оилавий бизнесга оид назарий-услубий ёндашувларда иккита қараш мавжуд. Биринчиси – бу оилавий бизнесни йирик бизнеснинг асоси сифатида қараш бўлиб, юқорида бу борадаги далиллар келтириб ўтилди.

Жаҳонда оилавий бизнеснинг ривожланиши тадқиқи унинг ўзига хос тенденциялари мавжудлигини намоён этади. Жумладан, оилавий бизнес таркиб топишининг дастлабки палласида оила аъзолари ҳамда қариндошларнинг шахсий кўмагига таянади. Бироқ, кейинчалик муваффақиятли бизнес сифатида ривожланиб борган сари, аста-секин қариндош-бошқарувчиларни бизнесдан чиқариб, профессионал топ-менежерларни ёллаб боради. Чунки профессионал менежерлар рақобатбардош компанияни самаралироқ бошқарадилар. Оила аъзолар ва қариндошларнинг ўзи бизнес фаолиятини четдан кузатиб, зарур ҳолларда фаолиятга тегишли ўзгартиришлар киритиб туриш функцияларини бажарадилар. Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда, жаҳондаги оилавий бизнеснинг тараққиётини шартли равишда қуйидаги босқичлари орқали ифодалаш мумкин (3-расм).



**3-расм. Жаҳондаги оилавий бизнес тараққиётининг босқичлари<sup>19</sup>.**

Иккинчиси – оилавий бизнесга кичик бизнеснинг кўринишларидан бири сифатида қараш ҳамда унинг асосий вазифаси ижтимоий тавсифдаги муаммоларни ҳал этишдан иборат деб билиш. Масалан, И.Плотникова «Оилавий тадбиркорлик – бу бир оила аъзолари ёки қариндошлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнида амал қилувчи, муҳим ижтимоий қадриятларни, мақсадга мувофиқ йўналтирилган хатти-ҳаракат меъёрлари ва стандартларини бирлаштирувчи, жамият (минтақа)нинг эҳтиёжларини қондирувчи иқтисодий ва меҳнат фаолиятининг ташкил этилган тизими, кичик бизнеснинг ижтимоий-институционал шакли»<sup>20</sup>, деб таъкидлайди.

<sup>19</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>20</sup>Плотникова И. А. Институциональное развитие семейных предприятий в сфере малого бизнеса (на примере Пензенской области) : дис. ... канд. социол. наук. Пенза, 2015. С. 13.

Тадқиқот жараёнида, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, оилавий бизнеснинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи қуйидаги омиллар аниқланди: оиладаги ўзаро ишончнинг заволи топиши; «оила – бизнес» қадриятларига оид устуворликлар таркибидаги силжишлар; болаларнинг оиладан ажратилиши; бизнес давомчиларини тайёрлаш таомилининг мавжуд эмаслиги; оилавий фирмалар учун бизнес таълимининг мавжуд эмаслиги; бизнесни навбатдаги вакилларга ўтказишнинг ҳуқуқий жиҳатдан тайёр эмаслиги; инновацияларни татбиқ этиш имконининг мавжуд эмаслиги; оилавий бизнес бўйича давлат сиёсати ва қўллаб-қувватлашининг мавжуд эмаслиги.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий механизмининг асосий жиҳатлари»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, уни ривожлантириш иқтисодий механизмининг мазмуни ва асосий таркибий қисмлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда бизнеснинг оилавий тадбиркорлик шаклига тааллуқли айрим масалалар дастлаб умумий ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорига илова – «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом»да ўз ифодасини топган эди. 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Диссертация ишида тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликка иккинчи ёндашув, яъни, кичик бизнеснинг кўринишларидан бири сифатида қаралиши, унинг асосий вазифаси эса ижтимоий тавсифдаги муаммоларни ҳал этишдан иборат деб белгиланиши таъкидланиб, мазкур хулоса қуйидаги ҳолатлар орқали асослаб берилган:

оилавий тадбиркорликнинг қонуний тарзда кичик бизнес субъекти таркибига киритилиб қўйилганлиги;


оилавий тадбиркорлик субъектларидаги оила аъзолари ва қариндошлардан иборат бўлган ходимларнинг бевосита меҳнати билан иштирок этиши шартлиги;

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик субъектлари акция ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга эмаслиги;

оилавий корхона эгасининг ўз бизнеси бошқарувини профессионал бошқарувчига топшира олмаслиги.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда унинг иқтисодий механизми муҳим ҳисобланиб, ишда унинг мамлакатда оилавий тадбиркорлик тараққиётига эришишни таъминловчи, бу борадаги таъсир кучларини ҳаракатга келтирувчи қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисм

(элементлар)нинг мажмуидан иборатлиги белгилаб берилган: ташкилий-иқтисодий дастаклар; тартибга солувчи (меъерий-ҳуқуқий асослар) дастаклар; фаолиятни рағбатлантирувчи дастаклар; фаолият ва жараёнларни бошқариш дастаклари; ахборот-тарғибот дастаклари; фаолият юритиш ва ривожланишнинг мунтазам мониторинги дастаклари (4-расм).



**4-расм. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми<sup>21</sup>.**

Диссертация ишида Ўзбекистонда ҳамда Фарғона вилоятида оилавий корхоналарнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ҳамда тугатилиши кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона вилоятида оилавий корхоналар ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ҳамда тугатилиши кўрсаткичлари<sup>22</sup>**

Кўрсаткич	Республика бўйича					Ш.ж., Фарғона вилояти бўйича				
	2014	2015	2016	2017	2018	2014	2015	2016	2017	2018
Рўйхатдан ўтган	5718	6213	8712	12184	16154	600	982	1202	1560	1955
Фаолият кўрсатаётган	4715	5446	8348	11679	15507	540	925	1162	1507	1898
Фаолият кўрсатмаётган	1003	767	364	505	647	60	57	40	53	56
Янги ташкил этилган	279	320	2863	3964	4473	32	41	375	610	662
Фаолияти тугатилган	600	654	782	755	764	78	82	102	97	83

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2014-2018 йилларда рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони республикада 2,8 марта, Фарғона вилоятида 3,3 марта ошган. Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиш даражаси жуда юқори, яъни таҳлил даврида республика бўйича 82,5-96,0, Фарғона вилоятида 90,0-97,1 фоиз оралиғида бўлган. Янги корхоналарнинг ташкил этилиши жараёнлари йиллар бўйича бир текисда

<sup>21</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

бормай, айниқса, мазкур кўрсаткичнинг 2016 йилда олдинги йилга нисбатан кескин ўсиши кузатилади (тегишли равишда 8,9 ва 9,2 баробар). Шу билан бир қаторда, рўйхатдан ўтган корхоналарга нисбатан фаолияти тугатилган корхоналарнинг улуши таҳлил даври бошидаги 10,5 ва 13,0 фоиздан 2018 йилга келиб 4,7 ва 4,3 фоизга қадар қисқарган. Бу эса, мазкур корхоналар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганини англатади.

Шунингдек, диссертация ишида таҳлил натижасида Фарғона вилояти оилавий корхоналари фаолияти учун хусусиятли бўлган қуйидаги тенденцияларни аниқлаш имконига эга бўлинди:

айрим тармоқларда янги ташкил этилаётган корхоналар салмоғининг нисбатан юқорилиги. Жумладан, таҳлил даврида саноат тармоғида янги ташкил этилган оилавий корхоналарнинг солиштирма салмоғи жами янги ташкил этилган корхоналарнинг 47-54 фоизини, савдода – 10-26 фоизини, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 9-16 фоизини, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида – 1-16 фоизини ташкил этган. Бу эса мазкур тармоқларда оилавий корхоналар ташкил этиш учун қулайлик мавжудлигини англатади;

айрим тармоқларда фаолияти тугатилган оилавий корхоналар салмоғи нисбатан юқори даражасининг кузатилиши;

янги ташкил этилган оилавий корхоналар салмоғи юқори бўлган тармоқларда фаолияти тугатилган оилавий корхоналар салмоғининг ҳам юқорилиги. Умуман олганда, таҳлиллар Фарғона вилоятидаги оилавий корхоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишида қатъий барқарорлик мавжуд эмаслигини намоён этади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда жадал ислохотлар шароитида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўллари»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш механизмининг узвий қисмига айланишини таъминловчи чора-тадбирлар, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорликнинг таркибий тузилмаси ва инфратузилмасини такомиллаштириш, оилавий тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Илмий тадқиқот давомида оилавий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш механизмининг узвий қисмига айланишини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди:


оилавий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг имтиёзли таомилини қўллаш;

бозор иқтисодиёти шароитида оилавий корхонанинг барқарор ишлаши ва рақобат муҳитига бардош бера олишига кўмаклашиш, жумладан, оилавий тадбиркорлик шаклининг ривожланишини рағбатлантиришда махсус имтиёزلардан фойдаланиш, оила аъзолари шахсий фаолликларини мунтазам равишда рағбатлантириш, молиявий натижаларни тақсимлашда имкон қадар эркинликни таъминлаш; асосий фаолият кўрсаткичларини белгилашда тўла мустақиллик бериш;

оилавий тадбиркорликнинг ривожланишидан бевосита манфаатдор бўлган тузилмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва бошқа субъектларнинг ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш;

оилавий корхоналар сони ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳиссасини кўпайтириш.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, айниқса, ҳудудлардаги муайян соҳа ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали жадал ривожланишни таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатидаги ўзига хос хусусиятлари ва устунликларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Жумладан, оилавий тадбиркорликнинг бу борадаги муҳим устунлиги – иқтисодий фаолиятни ташкил этиш учун зарур молиявий ресурсларни тезлик билан жамлаш ҳамда корхона ҳаётининг даврадаги дастлабки палласида вақтинча молиявий харажатларни (масалан, ижара ҳақи, иш ҳақи тўловлари ва ҳ.к.) минимал даражага тушириб туриш, фойдани тўлиқ реинвестиция қилиш қабилар ҳисобланади. Ушбу хусусиятли жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчи фикрича, Фарғона вилоятида ички ва ташқи туристлар учун меҳмонхоналарни оилавий корхона кўринишида ташкил этишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу борада қуйидаги иқтисодий механизм таклиф этилган (5-расм).




